

# ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ


№ 199 (10.252)

2004 ЙИЛ 14 ОКТЯБРЬ

Киш мавсумига тайёргарлик қизгин паллага кирган айна кунларда пойтахтимиздаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари ходимларининг ҳам қўли-қўлига тегмайди.

**СУРАТДА:** Ҳамза туманидаги «Меҳри Турон» уй-жой мулкдорлари ширкати электр созловчиси Владимир Николаев ҳам тараддуд юмушларида фаоллик кўрсатмоқда.

**ПОЙТАХТНИНГ  
Бир кун**  
Янгиликлар, воқеалар



**Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ФАРМОНИ  
Р.С.Қосимовни  
Ўзбекистон  
Республикаси Бош  
вазирининг ўринбосари  
- Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири этиб  
тайинлаш тўғрисида**  
Рустам Собирович Қосимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2004 йил 13 октябрь

**XXI саҳоси**  
Барча мавбалардан  
онлайн сўнги хабарлар

**Мамлакатимизда**

- Кеча Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитасида Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари ва «Аёллар қаноти» раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.
- Қашқадарё вилоят деҳқонлари 417 минг тоннадан зиёд пахта тайёрлаб, шартнома режасини мамлакатда биринчи бўлиб адо этдилар.
- Бухоро шаҳри вакиллари Болгария сафарида қайтди. Сафар давомида Бухоро ва Варна шаҳарларининг биродарлашгани ҳақидаги ҳужжат имзоланди.
- Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси кутқарувчилари ўзларининг касб маҳоратларини намойиш этишди. Тадбирда қатнашганлар кутқарув ишларида фойдаланиладиган техника ва асбоб-ускуналар билан танишдилар.
- Бухоро вилоятида пахта тайёрлаш шартнома мажбуриятини уддалаган туманлар сафи Ромитан, Бухоро ва Когон туманлари ҳисобига яна учтага кўпайди.
- Навоий шаҳридаги «Навоий» полиграфия-сервис ишлаб чиқариш корхонасига Хиңдистоннинг «Сервис-импэкс» компаниясининг янги офсет машинаси ўрнатилиши натижасида газеталарни чоп этиш сифати янада ошди.
- Хонободадаги компьютер технологиялари касб-хунар коллежиде электроника ва автоматлаштирилган линиялар учун механиклар тайёрлаш курси очилди.

**ҚИСҚА**

- **КЕЧАДАН** бошлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан туман ҳокимлигида мактабларнинг «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотлари сардорлари учун ўқув семинари ўтказилмоқда. Ушбу тадбир 18 октябрга қадар давом этади.
  - **ЎТГАН** кун Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида икки палатали парламентга бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўраётган тарғибот гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Еш сёвсатшунослар» клуби, ҳуқуқшунослик, журналистика факультетлари талабалари иштирок этишди.
  - **ЎТГАН** кун Сергели туманидаги 3-автокорхонада «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Миллий онг ва қадриятларимиз» деб номланди.
  - **ЎЗБЕКСТОН** Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитасида уюштирилган давра суҳбати «Марказий Осиёда экологик хавфсизлик ва транс-чегара муаммолари» деб номланди.
- Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз хабарларидан.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Ўзбекистонда сайлов кампанияси ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Миллий Демократик институт ва Халқаро Республика институт (АҚШ), шуниңдек, «Фридом Хаус» ҳуқуқни муҳофаза қилувчи халқаро ташкилот ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ва бошқа ноҳуқумат ташкилотлар, сиёсий партиялар, Адлия вазирлиги вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбати катнашчилари очик фикр алмашув давомида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, қонунчилик ҳокимиятини ислох қилиш, Олий Мақлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш, мамлакатда кўп партияли тизимни такомиллаштириш ва бошқа долзарб масалаларни муҳофаза қилдилар.

Сўзга чиққанлар юртимизда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва давлат қурилиши соҳасида рўй бераётган ижобий жараёнларни алоҳида қайд этдилар. Америкалик экспертларнинг фикрича, ижтимоий-сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ўрта-

сида соғлом рақобат ортмоқда, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунчилиги халқаро меъёр ва стандартларга жавоб беради ҳамда фу-

қаролар давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини шакллантиришда кенг иштирок этиши учун шароит яратди.

Шу билан бирга, таъкидландики, сайлов кампаниясини ташкил этиш ва ўтказишда демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида биргаликда қўриб чиқиш ва ўрганишни тақозо этадиган айрим масалалар ҳам бор.

Сайловлар жараёнида оилавий овоз бериш ва расмийлаштириш каби ўтмишдан қолган асодратлар хали тўла барҳам топмаган.

Сайловчилар билан ишлашнинг янада такомиллаштириш лозим. Сайловчиларнинг ҳуқуқла-

рини батафсил тушунириш, сайлов қонунчилигининг асосий қондаларини сиёсий партияларнинг дастурий мақсадларини оммага атрофича етказиш борасидаги ишлар хали бугунги кун талабига тўла жавоб бермайди. Бу жаҳаддаги ишлар қўламини янада кенгайтириш зарур.

Оммавий ахборот воситалари кампаниясини ёритишда кенг ва фаол иштирок этиши борасида ҳам талай ишлар қилиниши керак. Сайловларнинг ошқор ва демократик руҳда ўтиши кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари вакиллари-нинг маҳорати, ҳолислиги ва фаоллигига боғлиқ.

Давра суҳбатида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда янги — икки палатали парламент фаолиятини ташкил этишда, сайловчилар билан ишлашнинг янада такомиллаштиришда ривожланган демократик мамлакатлар тақрибани муҳим аҳамият касб этиши мумкинлиги таъкидланди.

ЎзА

## САЙЛОВ ВА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАР



## ТАРИХИЙ ЎЙИН ДУБАЙДА БЎЛАДИ

Жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов россиялик Гарри Каспаров билан Дубайда беллашадиган бўлди. Минг йиллар муқаддам пайдо бўлган шахмат бугун замонавий оммавий спорт турларидан бирига айланган.

Инсоннинг ақлий салоҳиятига асосланган ушбу ўйин бўйича ўтказиладиган мусобақалар алоҳида эътиборга сазовордир.

Айниқса, Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) шафёльида ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг аҳамияти беқубеъ. Чунки «ақл гимнастикаси» дея ардоқланадиган шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлиш ўта мушкул. Бу борада жаҳон чемпионати ўтказила бошланган XIX асрнинг иккинчи ярмидан буён атиги 17 нафар шах-

матчи бундай юксак шарафга муяссар бўлган. Ана шу буюк шахматчилардан бири — ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновдир.

Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат тожини жорий йилнинг июль ойида Ливия пойтахти Триполи шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида қўлга киритганди. Финалгача В.Иванчук, А.Гришчук, В.Топалов каби кучли шахматчиларни енган ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер асосий беллашувда англиялик Майкл Адамсни мағлуб этиб,

жаҳон чемпиони деган унвонга сазовор бўлди. Албатта, Рустам Қосимжонов бу даражага еттуна анчагина йўлни босиб ўтди. Унга акиси Хуршид доня суришни ўргатганида эндигина олти ёшга тўлганди. Рустам ўз иқтидорини анча эрта намойиш қилди. 10 ёшида Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди.

1994 йилда ҳамюртимиз халқаро майдонда зафарли олим ташланди.

Усмюрлар ўртасида Осиё чемпионатида голиб чиққанида у 15 ёшда эди. Яна уч йилдан сўнг — 1997 йилда Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ ўзининг 68-конгрессида Р.Қосимжоновга халқаро гроссмейстер унвонини берди. Бу мавқега 18 ёшгача эришган беш нафар шахматчидан бири Рустам бўлди.

Давоми 3-бетда.

**Жаҳонда**

- Ироқда кейинги йил январь ойида ўтказилиши кўзда тутилган сайловлар учун Япония 40 миллион АҚШ доллари миқдориде ёрдам кўрсатишга ваъда берди.
- Россия ҳукумати 2004 йил бюджетидеги қўшимча даромадлар ҳисобидан террорга қарши фаолият кўрсатиш мақсадлари учун 3 миллиард рубль ажратиш тўғрисида қарор қилди.
- Бир ойлик танаффусдан сўнг Гагага трибунали 60 та ҳарбий жиноятни амалга оширилганда айбланаётган Югославиянинг собиқ Президенти Слободан Милошевич устидан суд жараёналарини яна бошлади.
- Жанубий Кореянинг унча катта бўлмаган ҳарбий кемаси Сарик денгизнинг жанубий қирғоғига яқин жойда чўкиб кетди. Кема экипажининг битта аъзоси кутқарилган бўлса, 4 та бошқа аъзолари бедарак йўқолган.
- Буюк британиялик синоптиклар мамлакатда кейинги 100 йил ичида энг совуқ қиш ҳукм суришини таъкидламоқдалар. Совуқ ҳаво босими 18 октябрдан бошланиши кутилмоқда.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА ФАҚАТ ОВОЗ БЕРИШ ЯШИРИН БЎЛАДИ! ҚОЛГАН ХАММАСИ — **ОЧИҚ, ОШКОРА** ЁКИ БУГҲОН РУСМ БЎЛГАН СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, **ТРАНСПАРЕНТДИР**.

Бу афоризм ёки шунчаки чиройли иборалар эмас. Бу Ўзбекистонда парламентга бошланган сайлов кампаниясининг ўзига хос шиориридир. Янада аниқроқ қилиб айтсак, шу шиор остида Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази иш олиб бормоқда.

Сайлов жараёнидаги ошкоралик масаласига **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”**ги Қонунда ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Қонуннинг олтинчи моддаси **“Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик”** деб номланади. Қонуннинг амалдаги ижросини эса Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказининг иш фаолиятида кўриш мумкин. Марказнинг эшиклари қалам аҳли учун доимо очик бўлиб, у маҳаллий ва хорижий журналистларга сайлов жараёнларини ёритишда кўмак бериш ва ахборот билан мунтазам таъминлашга хизмат қилади.

Бу ишнинг мантиқий давоми сифатида мамлакатнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам худди шундай матбуот марказлари ташкил этилган бўлиб, бу ҳол ахборотнинг янада кенг тарқалишига асос бўла олади. Демак, эндиликда журналистлар хоҳ Тошкентда бўлсин, хоҳ Самарқандда, хоҳ Нукусда сайловларга оид ҳар қандай саволига мутахассис жавобларини топишлари мумкин.

Ўзбекистонда сайловларнинг ёритилиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, шу пайтгача сезиларли тараққиёт ва ўсиш динамикасида гувоҳ бўлаёмиз. Республика Олий Мажлисига дастлабки сайловлар 1994 йилда ўтказилган бўлса, у пайтда сайлов кампаниясининг матбуотда ёритилиши масаласи билан бевосита шуғулланмаган алоҳида матбуот маркази ёки бирор махсус тузилма бўлмаган. Ушундан оммавий ахборот воситаларининг ақсарияти давлат тасарруфида бўлгани учун Марказий сайлов комиссияси ҳам улар билан ишлашда кўпроқ маъмурий имкониятлардан фойдаланган. Шу тариқа 1994 йил сайловларини фақатгина учта нодавлат ОАВ ёритган. Буни Ўзбекистон ахборот ва матбуот агентлиги архив маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

Газета	384
Журнал	66
Телестудия	19
Радио	2
Нодавлат электрон ОАВ	3
Ахборот агентлиги	1
<b>ЖАМИ</b>	<b>475</b>

1999 йилда эса **“Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”**ги янги қабул қилинган Қонунга кўра МСК янги мақомага эга бўлиб, доимий асосда иш олиб борувчи мустақил идорага айланди. Шундай қилиб, иккинчи чакриқ Олий Мажлисига сайловлар жараёнида Марказий сайлов комиссиясининг махсус Матбуот маркази тузилди ва журналистларга ахборот етказиб беришни мувофиқлаштирди. Бу сафарги сайловларни эса 22 та нодавлат ҳамда 100 дан зиёд трансмиллий ва халқаро ОАВ ёритиб борди.

Газета	490
Журнал	138
Телестудия	26
Радио	5
Нодавлат электрон ОАВ	22
Ахборот агентлиги	4
<b>ЖАМИ</b>	<b>685</b>

Жорий сайловларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, Марказий сайлов комиссияси тизимида Матбуот маркази билан бир қаторда Матбуот хизмати ҳам фаолият олиб бормоқда. Бу эса МСКнинг мат-

буотга ва жамоатчилик билан ишлашга бераётган катта эътибордан далolatдир. Агентлик маълумотларига кўра, бу сафар сайлов кампаниясини 928 оммавий ахборот воситаси ёритиши кутилмоқда, шулардан 597 таси газета, 93 нодавлат ОАВ, шунингдек, телестудиялар, кабель каналлари, ахборот агентликлари ва бошқалар.

Газета	597
Журнал	145
Телестудия	43
Радио	12
Кабель ТВ	34
Нодавлат электрон ОАВ	93
Ахборот агентлиги	4
<b>ЖАМИ</b>	<b>928</b>

Шу кунларда Марказий сайлов комиссияси журналистларни аккредитациядан ўтказиш билан шуғулланмоқда. Бу ҳақда аризалар турли хорижий, минтақавий, нодавлат, электрон, тармок, ихтисослашган ва бошқа оммавий ахборот воситалари ва-

таъминлайди.

Сайловлар эълон қилинган кундан бери Матбуот марказида журналистлар иштирокида бир қатор тадбирлар ташкил этилди. Хусусан, газета муҳаррирлари ва Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси вакиллари билан Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоевнинг амалий мулоқоти, Ўзбекистон бўйлаб МСКнинг матбуот марказлари раҳбарлари билан давра суҳбати, сайловларнинг матбуотда ёритилишига бағишланган анжуманлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, **“Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”**ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам жорий сайловларни янги босқичга олиб чиқади. Ҳўш, оммавий ахборот воситаларига бунинг нима дахли бор? Назаримда, улар учун бу фақат хушхабар бўла олади. Айниқса, тижорат, яъни нодавлат оммавий ахборот воситалари учун. Негаки, эндиликда партиялар сиёсий реклама борасидаги барча харажатларни ўз бўйнига олиб, оммавий ахборот воситаларига маблағ ўтказишлари мумкин. Бундай ҳамкорлик хусусиятлари депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари сайловолди ташвиқотида ОАВдан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги махсус Низомда ҳам белгиланган. Унда сиёсий

реклама, сиёсий дебатлар, сайловолди ташвиқот каби тушунчаларнинг аниқ таърифи ҳам келтирилди.

**Низомнинг асосий масалаларига тўхталиб ўтсак:**

1. Сайлов иштирокчилари ОАВдан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эгадир.

2. Сиёсий партиялар учун давлат телевидениесига бепул эфир вақти ажратилиб, у ҳафтасига прайм-таймда 40 дақиқани ташкил этади.

3. Шунингдек, пулли эфир вақти ёки матбуотда жой миқдори ҳамда молиялаштириш манбаларига тўхталиб ўтилган. ОАВлари ҳамма сайлов иштирокчилари учун тенг бўлган тўлов нархларини ўзлари белгилайди.

4. ОАВ ва сайлов иштирокчилари ўртасидаги ҳар қандай ҳамкорлик шартномаси асосга эга бўлиши керак. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиб, нақд пул бериш ман этилади.

5. Депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотлар ОАВда бир хил жойда, тенг ҳажмда ва бир хил вақтда берилиши керак.

6. Номзодларнинг телевидение ёки радиодаги чиқишлари кетма-кетлиги қуръа ташлаш йўли ёки алфавит тартибида белгиланади.

7. ОАВ уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар номзодларга ажратилаётган эфир вақти ва жой ҳажмини тартибга солиб, бу ҳақдаги ахборотни МСКга тақдим этиши керак.

8. ОАВ тахририяти номзодлар томонидан тақдим этилган ахборотни номзодларнинг розилигисиз таҳрир қилиши мумкин эмас.

9. Сайлов иштирокчилари томонидан таъсис этилмаган ОАВлар ўз адади ёки даврийлигини ўзгартириб номзодлардан бирига устунлик бериши мумкин эмас.

10. Агар ОАВ вакили депутатликка номзод сифатида кўрсатилса, у сайловолди ташвиқоти даврида ўз вазифасидан вақтинчалик четлаштирилади ва унинг маоши сайловларга ажратиладиган маблағ ҳисобидан сақлаб қолинади.

11. ОАВ депутатликка номзодлар ҳақида ёлгон маълумот тарқатиши мумкин эмас. Агар бундай ахборот эълон қилинса, номзод ОАВдан раддия талаб этиши мумкин.

12. ОАВ сайлов иштирокчиларининг хайрия фаолияти ҳақида ахборот тарқатиши мумкин эмас.

Кўриниб турганидек, Марказий сайлов комиссияси оммавий ахборот воситаларида сайлов кампанияси иложи борича ҳалол ва адолатли ўтиши учун зарур омил ва имкониятларни яратиб берган. Қонунчилик палатаси депутатлиги курсиси учун бўладиган курашнинг тенг, очик ва олижаноблик билан олиб борилишининг ҳамма шароитлари мавжуд. Умид қиламизки, матбуот вакиллари ҳам ушбу жараённинг транспарентлигини таъминлашга ёрдам беради. Шундангина сайлов жараёнида яширин овоз беришдан ташқари халқ учун ҳеч қандай сир қолмаслиги муқаррар, албатта.

**Шерзод ҚУДРАТХЎЖАЕВ,**  
Марказий сайлов комиссиясининг  
Матбуот маркази раҳбари.

## ТЕНГ, ОЧИҚ ВА ОДИЛОНА

Оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистондаги сайловларда иштирок этиши амалиёти ва тажрибаси



киллари билан келиб тушган. Қизиқиш билдириб, ҳужжатларини топширган ҳамма журналистларга бейжизлар тақдим этилади. Кўриниб турибдики, босма ва электрон матбуот ранг-баранглиги бу йилги сайлов кампаниясининг ўзига хос хусусиятига айланиб бормоқда.

Жорий сайлов кампаниясининг аввалгиларидан фарқи нафақат рақамларда, балки сифатда ҳам акс этади. Марказий сайлов комиссияси ва унинг матбуот марказларининг бутун иш фаолияти сайлов жараёнларига оид барча маълумотларнинг ошкоралиги ва очиклигини таъминлашга қаратилган. Матбуот марказлари мунтазам равишда ишчи учрашувлар, семинар-тренинглар, анжуманлар ташкил этиб, уларга журналистларда қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган барча доирадаги мутахассис ва мансабдор шахсларни таклиф қилмоқда.

Яқинда Интернетдаги [www.elections.uz](http://www.elections.uz) манзили бўйича Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти ҳам ишга туширилди. Унда сайлов жараёнларига оид барча керакли ахборот, жумладан, сайлов кампаниясининг сўнгги янгилликлари, қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, МСК ҳақида ахборот ва бошқа маълумотлар жойлаштирилган. Шу кунгача веб-сайтдан турли давлатлардан 12 мингдан зиёд киши фойдалангани қайд этилди. Бугунги кунда сайт ўзбек ва рус тилларида тақдим этилган бўлса, тез кунда унинг инглизча муқобилини ҳам тайёрлаш ва бу орқали халқаро ҳамжамият учун Ўзбекистонда сайловлар ҳақида кенроқ маълумот олиш имконини яратиш кўзда тутилмоқда. Таъкидлаш кераки, 1999 йилда МСКнинг Интернетда биргина саҳифаси бор эди холос. Энди эса анча кенроқ ҳисобланган веб-сайт устида алоҳида мутахассислар гуруҳи иш олиб бормоқда. Шунингдек, бутун жаҳон ахборотномасидан фойдаланиш имконияти МСКнинг барча худудий матбуот марказларида ҳам таъминланади.

Одамлар бохабарлигини янада ошириш мақсадида эса Ўзбекистон телевидениеси ва радиода сайлов қонунчилигига оид маърифий роликлар эфирга берилмоқда, МСК, сиёсий партиялар вакиллари, ҳуқуқшунос мутахассислар иштирокида жонли кўрсатувлар тайёрланмоқда.

Ўтган сайловлар ва халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, бу сафар ҳам МСК Матбуот маркази тўғридан-тўғри теледастурлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Негаки, бундай кўрсатувлар, биринчидан, расмий доираларнинг очиклиги ва электротат билан мулоқотга доимо тайёрлигини намоён этади, иккинчидан, тўғридан-тўғри эфирда умуммиллий миқёсда сайлов жараёнини муҳокама этиш имконияти беради ҳамда энг муҳими, сайлов кампаниясининг транспарентлиги, очик ва ошкоралигини

*Икмисоқийм*

**КАНАДА ВА  
ТУРКИЯ  
МАТОЛАРИ ҚҶЛ  
КЕЛМОҚДА**

**Хусусий тадбиркор Зикрилла Каримов махсулот сифати ва нархи бугунги кун харидори учун асосий омил эканлигини жуда яхши англайди.**

Шу боис ҳам унинг ўзи ташкил этган кичик цехда ҳамкасблари — тажрибали мебел-созлар ҳамкорлигида тайёрланаётган юмшоқ мебеллар тўплами ички бозорда нуносиб ўрин эгалламоқда. Бундан 2 йил аввал ўз фаолиятини ёғоч махсулотлари ишлаб чиқаришда бошлаган хусусий тадбиркор бозорни ўрганиш, аҳоли талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олиш асосида турли хил юмшоқ мебеллар тўпламини ишлаб чиқара бошлади. Россиядан келтирилган замонавий ускуналардан фойдаланиб изланишлар асосида европача услубда ишлаб чиқарилаётган ўшбу махсулотларда мебелсозларнинг маҳорат ва изланишлари яққол кўзга ташланмоқда.

Махсулотларимизни тайёрлашда маҳаллий хом ашё билан биргаликда Канада, Туркия ҳамда Хитой давлатларидан келтирилган сифатли матолардан таллаб фойдаланамиз, — дейди Зикрилла Каримов. — Бугунги кунга келиб мебелларимизнинг тури 20 хилдан ортиб кетди. Уларни тайёрлашда чет эл каталогларидан илҳомий фойдаланиш билан бирга харидорларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам эътиборга оламиз. Бунинг учун пойтахтимиздаги ўзимиз ҳамкорлик қиладиган савдо шохобчалари билан ҳаммаши мулоқотда бўламиз. Мухими, махсулотларимизнинг ҳаммаси сертифициланган ва шунинг баробарида хорижда ишлаб чиқарилган худди шундай мебелдан 1,5-2 баравар арзонлиги билан ажралиб туради.

Айни кунларда хусусий тадбиркор тайёрлаётган идора ва офис мебелларига талаб ортиб бормоқда.

**АВТОМОБИЛЛАР  
УЧУН ЭХТИЁТ  
КИСМЛАР**

Пойтахтимиздаги «Ижод-ижод» хусусий корхонаси жамоаси ўз номига яраша ҳаммиша ижодий изланишлар олиб бормоқда.

1996 йилда сопол махсулотларни ишлаб чиқариш, мамлакатимиздаги тарихий обидаларни қайта таъмирлашни ўз олдига мақсад қилиб 9 та ишни билан фаолият бошлаган корхонанинг ишлари ривожланганлиги улар сафи 10 баравардан зиёда кенгайгани ёркин мисолдир.

Ўтган йиллар мобайнида ўз махсулотлари асосида Самарқанд, Бухоро, Гулистон шаҳарларидаги ўлмас тарихий обидаларни қайта таъмирлаш билан бирга Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё услубларидан самарали фойдаланиб, янги обидалар бунёд этишда ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

Шунингдек, изланувчан тадбиркорлар бугунги кун талаблари асосида меҳнат қилиб, 16 хил чинни махсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган ўшбу чинни буюмлар сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқин кунларда улар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури бўйича 2 та ускуна сотиб олиб, пластмасса буюмларни тайёрлашни йўлга қўйишни мақсад қилишган. Республикаимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун эҳтиёт қисмлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади.

**Шоҳида ИСЛОМОВА**

Тошкентда ўтказилган «Олий Мажлисга сайловлар: Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришида муҳим босқич» мавзусидаги анжуман ҳам катта қизиқиш уйғотди.

— Конференция Ўзбекистонда сайлов кампанияси қандай кечаётгани, бу ерда сайлов қонунчилигини либераллаштириш ва замонавийлаштириш бўйича қилинаётган ишлар, бўлажак икки палатали парламентнинг фаолиятига оид мукаммал ахборотга эга бўлиш имкониятини берди, — дейди ГФРлик профессор Б.Шеффер-Хегель «Жаҳон» АА мухбирига берган интервьюда.

Польша Республикаси Стратегик муаммолар институти директорининг ўринбосари Е.Осипович анжуманда сўзга чиқиб, парламент сайловларига тайёргарлик жараёни юқори савияда ўтаётганини таъкидлади ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ўтра мураккаблигини ҳамда Ўзбекистон бунда бирон-бир мамлакатдан нусха

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловларга тайёргарлик жараёни қўллаб мамлакатлардаги сиёсатчилар, олимлар ва мутахассисларнинг эътиборини тортмоқда. Сайлов тизимидаги янгилик ва ўзгаришларни кенгроқ тушунириш мақсадида мамлакатимизда халқаро учрашув ва форумлар ташкил этилмоқда.

**ДЕМОКРАТИЯ - ҲУҚУҚ  
ВА МАЖБУРИЯТЛАР  
УЙҒУНЛИГИ**

қўчириши керак эмаслиги, балки ўз тарихи, маданияти ва аънаналарига суъниши зарурлигини алоҳида қайд этди.

Мақзур институт миллий ҳавфсизлик маркази директорининг ўринбосари А.Вилл жамият онгини шундай шакллантириш кераки, сиёсий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиш ҳар бир фуқаро учун заруратга айланганини керак деди.

— Давлат бу фуқароларга хизмат қиладиган ва улардан

фаолликни талаб қиладиган ташкилотдир. Агар бу нарсага эришилмаса ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги мувозанат йўқолади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўшбу тамойилларга 2002 йилдаёқ эътибор қаратган эди ва мен уни тўла қўллаб-қувватлайман, — деб қайд этди польшалик эксперт.

Қозғоистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Ташқи сиёсат маркази маслаҳатчиси Р.Калиеванинг фик-

рича, Бухорода «Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда очқилик ва ошқораликни таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари: жаҳон тажрибаси ва андозалари» мавзусида ташкил қилинган халқаро анжуман «Ўзбекистонда кечаётган сайлов жараёни ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишга имкон берди. Семинарда Ўзбекистон ҳақида ва республикада амалга оширилаётган ислохотлар хусусида кўпроқ маълумот олиш, қизиқarli инсонлар билан алоқалар ўрнаттиш учун шароит яратилди».

Тошкентда «Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси» мавзусида ўтказилган конференцияда иштирок этган Қозғоистон ривожланиш институти вице-президенти Е.Инкабаев Ўзбекистонда кечаётган сайловолди жараёнига «Ижобий ва замона талабларига мос» дея баҳо беради ҳамда унда сиёсий партияларнинг фаол иштироки демократик тамойиллар ривожига хизмат қилишини таъкидлайди.

**«Жаҳон» АА**

*2004 — Меҳр ва  
мурувват йили*

**МЕҲРИ ҚАЛБЛАР  
КЎПАЯВЕРСИН**

Бахтнинг, бойликнинг, хурсандчилиги ташвишларнинг барча-барчасини чегараси бор. Аммо дунёда шундай нарса борки, унинг худуди чегара билмайди, унинг тафтида кўнгиллари ором олади, у туйғайли қалблар-қалбларга пайванд. Уша туйғу сабаби инсон яшашда давом этмоқда. Меҳр-мурувват аталмиш бундай туйғу инсонларни биродарлик, дўстлик сари чорлайди. Меҳр туйғуси кўчган қалблар ҳеч қачон ёвузлик дея ном олган иллат йўригига юрмайди. Бундай покиза кўнгиллари ҳар доим кишиларга яхшилик, меҳр-мурувват улашишдан таллашди.

Ўртимизда Меҳр ва мурувват йили муносабати билан мурувват амалларига эътибор янада ошди. Халқимизда «Етим кўнгли ярымдир» деган ибора беҳизга айтилмаган. Айниқса, бугунги кунда қалби ўксик, кўнгли ярым, кўзлари умидворлик нурига тўлган болажонларимиз дилларига хур-

сандчилик бағишлаш, уларни ота-она меҳрига зориқтирмай улғайишлари учун барча шарт-шароитлар яратиш мақсадида қўллаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада юртимиз ёшлари таянчи ва суънчига айланган «Қамолот» ЕИХнинг фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ.

Яқинда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир тумани бўлими Кенгаши ташаббуси билан ҳам диққатга лойиқ тадбир амалга оширилди. «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими билан ҳамкорликда Кенгаш вакиллари тумандаги вақийлик ва ҳомийликка олинган, ота-онаси вафот этган болажонларни аниқлашиб, уларнинг ҳар бирига ҳомий ташкилотлар томонидан ўқув қуроллари тақдим этилди.

— Бу каби тадбирлар ҳозирда қўллаб амалга оширилмоқда, — дейди жумладан «Қамолот» ЕИХ Бектемир тумани бўлими кенгаши раиси Илхом Алимов. — Ўтган ойда туманимиздаги боқувчисини йўқотган қариялардан 60 нафарини Самарқанд шаҳридаги муқаддас қадамқор зиёратига олиб бордик. Зиёрат чоғида қарияларимизнинг юзларидаги хурсандчилик ва миннатдорчиликни кўриб биз ташкилотчилар ҳам ўзимизда йўқ севишиб кетдик. Айтишадикку, яхшилик қилсанг, яхшилик топа-

сан. Бу ибора тағзамирида улуг маъно бор. Ўртимизда меҳрли қалблар кўпаяверсин.

**ФАҲРИЙЛАРИМИЗ  
ЭЪЗОДА**

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яққасарой бўлими кенгаши ташаббуси билан «Қамолот» етакчилари туманда истиқомат қилувчи ўнлаб йиллар ўқитувчилик касбига садоқат билан меҳнат қилиб, ёшларга билим беришда ўзларининг бор хизматларини аямаган устозлар ҳолидан хабар олишиб, фаҳрий ўқитувчиларга совға-саломлар беришди.

Устоз — отангдек улуг, дейди халқимиз, уларни ҳар қанча эъзозласакда оз, — дейди «Қамолот» ЕИХ туман бўлими кенгаши раиси Мурод Атамуродов. — Етакчиларимиз билан уларнинг ҳонадониде бўлганларимизда, устозларимизнинг қанчалик меҳридарё, қалби пок инсонлар эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Туманимизда бутун умрини шу соҳага бағишлаган, заҳматқаш ўқитувчилар — Назорат Мухамедова, Санобар Ақромова, Елена Матвеевалар ҳар доим барчанинг эъзозидадир.

**Орзуғул РУСТАМОВА**

**ХАЛҚАРО АНЖУМАН**

Тошкентда долзарб радиожурнал тайёрлаш мақсадида халқаро семинар-тренинг ўтказилди. Тадбир Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, «Немис тўлқини» радиоси академияси ва ГФРнинг мамлакатимиздаги элчиқонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда Қозғоистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат ва нодавлат радиостанцияларида фаолият юритаётган журналистлар иштирок этди.

— Семинарда радиожурналистларни Германия давлати томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган бир қатор лойиҳалар билан таништириш ҳам кўзда тутилган, — деди Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази директори Гүл-

нора Бобожонова. — Шунингдек, ўн кунлик семинарда Германиядаги «Дойчнелле» радиоси қошидаги академия мутахассислари ҳам ўз тажрибалари билан иштирок этишди.

Г. Бобожонованинг таъкидлашича, мақзур академия дунёдаги кўпгина давлатларда бундай ўқув семинарларни ўтказиб келмоқда. Хусусан, мамлакатимизда бу йўналишда саккиз йилдан буён иш олиб бормоқда.

Олтинчи маротаба ўтказилаётган семинар давомида интервью олиш, ахборот, репортаж тайёрлаш, маълумот узатиш масалалари юзасидан фикр алмаширилди. Бу, шубҳасиз, Марказий Осиёнинг турли давлатларидан келган радиожурналистлар малакасини янада оширишга хизмат қилади.

Семинар очилиш маросимидан сўнг иштирокчилар Жиззах вилоятига йўл олишди. Шунингдек, улар Самарқанд, Урганч ва Бухорода бўлишди. У ерда амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишишгач, журналистлар шу асосида радиожурнал тайёрлашди.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ,  
«Туркистон-пресс»**

**САМАРАЛИ  
ҲАМКОРЛИК**

Голландиянинг тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Philips Medical Systems» компанияси Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига замонавий кардиологик ва ташхис қўйиш асбоб-ускуналари ҳамда «Газель» автомашинасини тақдим этди.

Шу муносабат билан марказда ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси солиқлини сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ҳожибоев, «Philips Medical Systems» компанияси вице-президенти Дитер Хофман ва бошқалар мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотларда хорижий давлатларнинг етакчи илмий муассасалари ҳамда компаниялари билан йўлга қўйилган кенг ҳамкорлик катта самара бераётганини таъкидлади.

Голландиянинг мақзур компанияси мамлакатимизда тиббиёт муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва мутахассислар малакасини юксалтиришга йўналтирилган мақсуд дастур доирасида иш олиб борапти.

**(ЎЗА)**

**ТАРИХИЙ ҲҲИН ДУБАЙДА БЎЛАДИ**

**Давоми. Боши 1-бетда.**

Шаҳмат тоғига эришгунга қадар Рустам уч маротаба жаҳон чемпионатида ўз кўчини синаб кўрди. Ниҳоят, туртинчи уринишда у асл орузусига эришди.

Ўзбекистонлик жаҳон чемпиони янада улкан марралар, тарихий урғашувлар кўтмоқда. Рустамнинг олдида турган энг муҳим ўйин — ФИДЕ рейтингинда энг юқори поғонани эгаллаган собиқ жаҳон чемпиони Гарри Каспаров (Россия) билан бўладиган баҳсдир.

Р.Қосимжонов жаҳон чемпионатида бағишлаб ўтказилган суҳбатда болалигидан Гарри Каспаров билан матч ўйнашчи оруз қилганини айтган эди. Бунгача ҳам у буюк шахматчига қарши донна сурган. Ҳандаш ёш шахматчимизни ҳажжон босганди. Мана, энди Рустам Г.Каспаров билан жаҳон чемпиони сифатида кўч сынашди.

ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов барчанинг эътиборида турган ўшбу тарихий баҳс 2005 йилнинг январь ойида Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида таш-

кил этилишини расман маълум қилди. Нуфузли матчининг муқофот жамғармаси бир миллион икки юз минг АҚШ доллари миқдорига белгиланган.

Рустам Қосимжонов ҳамда Гарри Каспаров ўртасидаги учрашувининг ҳақиқати шундан иборатки, унда галаба қозонган гроссмейстер мутлақ жаҳон чемпионилиги учун курашини давом эттиради. Унга венгрлик Петер Лeko ва Владимир Крамник (Россия) баҳсида галаба қозонган шахматчи рақиб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир Рустам Қосимжоновнинг айни кунга тўлган пайти. У жаҳон чемпионилигини кўлга киритганидан сўнг Хиндистондаги «Пуна Интернет-Шини» супертурнири ҳамда Голландияда ўтказилган «НК-Рапид» халқаро мусобақасида биринчи ўринни эгаллади. Айни пайтда у 14 октябрь кун Испанияда бошланадиган жаҳон шахмат олимпиадасида иштирок этишга ҳозирлик кўрмоқда. Ҳушбу мусобақадан сўнг Рустам Қосимжонов Гарри Каспаров билан бўладиган тарихий учрашувга тайёргарликни бошлади.

**Зоҳир ҲОШЎҲАЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси**



Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб  
домо бўлур...**

● Бойликнинг умри боқий бўлмайди. У гўёки сувли чашмага ўхшайди. Бир нафас олгунингча ёки кўзингни очиб юмгунингча бу чашманинг суви қуриб қолиши мумкин.

**Эшитдимки, Жамшид — соҳиби олам,**

**Чашмадаги тошга ўтириб шу дам,**

**Деди: «Кимлар бунда ўтирган шодон,**

**Аммо, кўз очмайин бўлгандир вайрон!»**

● Барзу ал ҳаким айтади:

— Беш киши беш айбга йўл қўйса, беш пушаймонлик мевасини тотлади. Биринчиси, зарур ишни орқага суради ва вақти кетади. Иккинчиси, яқин дўстни хафа қилади ва балого мубтало бўлади, учинчиси, душмандан эҳтиёт бўлишдан ғофил бўлади ва зиён кўради. Тўртинчиси, ҳаёли, покдамон хотинни кўлдан беради ва ёмон хотинга дучор бўлади. Бешинчиси, гуноҳ ишлардан қўрқмайди, оқибат ўлимга маҳкум бўлади.

● Яна Барзу ал ҳаким сўзлади:

— Бир неча нарса борки, улар бошқа нарсаларга доимо тобеدير.

Масалан, мурувват ақлга, жой ва тadbир тажрибага, яқинлик муҳаббатга.

● Бир ҳакимнинг ўз ўғлига насиҳат қилганлари:

— Эй ўғлим, қилаётган ишинг кичкинагина гуноҳ бўлса ҳам уни ҳеч қачон қилма. Одамларга яхшилик қилишнинг толиби бўл, ундан сенга яхши фойдалар етди. Кучинг борлиги учун душмани ҳадеб эза-верма, пайт поилаб, жонидан тўйгач, сени ҳалок этиши мумкин. Одамнинг ёлғончи эканлигини билиб туриб, айтган гапида жон бордир деб ўйлаб, унинг гапига қараб иш тутма! Шубҳали ва гумонли ишларга қўл урма, сўровчини ноумид холда қайтарма. Ўзингга ёқмаган нарсаларни бировга раво кўрма. Бировга қилган ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик кўни келиб ўзингга қайтишини эсдан чиқарма!

● Уч киши оғир азоб тортишга сазовордир. Биринчиси, бегуноҳ кишига ноҳақ ситам қилган киши. Иккинчиси, тақдир этилмаса ҳам ўтиришда тўрға чиқишга интилган киши. Учунчиси, биров эшитишни истамаса ҳам, зўрлаб гапирган киши!

● Икки тоифа киши борки, бирор нарсани орзу қилади, аммо бунга етишга олмайдди. Биринчиси, гуноҳ қилиб қўйиб, азобдан қутулмоқчи бўлган киши. Иккинчиси, ўз бойлиги билан дунёда ҳаловат топмоқчи бўлган бадавлат киши!

*Хайира қўйганса қўзандир*

**ДИЛДА ЁНГАН ЭЗГУ СЎЗ**

Хайта шундай одамлар учрайдики, мушоҳадалари кенг, тафаккурлари бой, ҳар томонлама мукамалликка эриша олган бўлсаларда, ўта камтарин, ҳокисорликлари ваҳидан босиқ, вазмин бўлиб, мактанчоқлик иллатидан олис юрадилар. Истеъдодли шоир, катта қалб эгаси бўлган Анвар Исроилов ҳам ана шундай инсонлар сирасидан эди.

Мен Анвар Исроиловни болаликдан яхши билардим. Бизнинг дўстлигимиз узоқ йиллар давомида мустақамланиб борди. 1950-йиллар арафасида шоир Ғайратий раҳбарлик қилган Лаб-зак даҳасидаги ўқувчилар саройида очилган адабий-ижодий тўғаракка Эркин Воҳидов, Анвар Исроилов, Анвар Эшонов, Хайридин Салоҳ, Гулчехра Жўраева, Тўлқин Йомонхўжаев, Сайёр Пўлат, Қудрат Хикмат, Юсуф Шомансуров каби ўнлаб истеъдодли ёш қаламкашлар қатнашар эди. Улар орасида менинг ҳам машғулотларга қатнашганим ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Машғулотларда устоз Ғайратий навбат билан шогирдларига шеър ўқитар экан, меҳр тўла кўзлари Анваржонга тушиб, «Қани, ўғлим, Сиздан ҳам эшитайлик!» дер эдилар. Анваржон тунлари мижжа қокмай ёзиб келган шеърларидан ўзига ёққанини ҳаяжон билан ўқиб берадиди, қандай баҳо берадилар деб, устозга хавотирланиб қарар эди. Устоз маъқул мисраларни қайди этиб, кемтик жойларини хаспўшламасдан айтди, сайқал бериш йўллари кўрсатиб ўтар эди. Шу тарихда ғоятда жўшқин, мароқли ўтган ўша адабий-ижодий тўғарак машғулотларининг самараси ўлароқ, Анвар Исроилов ҳам бошқа ижодкор ёшлар қатори, оташқалб ўткир қалам соҳиби бўлиб етишди.

Анвар Исроилов ўз ҳаёти фаолияти давомида ижодий камолот сари дадил қадамлар ташлаб борди. Бунда, шубҳасиз, қайноқ меҳнат жабҳаси ўз таъсирини ўтказди: Фафур Фулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, Республика радиосида мусиқа бўлими

студиясида катта муҳаррир, Ўзбекистон телевидениесида мусиқа бўлимида бош муҳаррир ўринбосари каби масъул вазифаларда ишлаш унга ижод бўлоқларини очиб берди — бирини-кетин шеърый китоблари дунёга келди: «Йўллардаги кўшиқлар» (1966 йил), «Бир суҳбат хумори» (1976 йил), «Булбуллар ва одамлар» (1981 йил), «Севғига илтижо» (1982 йил), «Олтин ёмғирлар» (1985 йил), «Биз дунё одамлари» (1988 йил). Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси бўлди. Юқоридаги шеърый китоблар адабиётимиздан ўз ўрнини топди. Зотан, бу шеърый тўпламларда янграган қалб нидосида жонажон Ватан ва она табиат ишқи, баҳор, таровати, меҳнат завки, дўстлар садокати, пок севиғи гоёлари баралла янгради. Анвар Исроилов ўзига хос расом ҳам эди. Гарчанд унинг чизган аjoyиб суратлари бирор кўргазмага қўйилмаган бўлсада, қалбларни ром этадиган жозибига эга эди. Мен Анваржоннинг портрет, табиат тасвири (пейзаж) жанрларида бўёқларга жон киритган расмларини томоша қилиш бахтига мушарраф бўлганман. Анвар Исроиловнинг 100 дан ортиқ кўшиқлари радио тўлқинларида ва телевидение экранларида янграганлиги ҳам унинг аjoyиб кўшиқчи шоир бўлганлигидан далолатдир. Анвар Исроиловнинг телевидениеда «Таъзим» номи билан қатор мароқли, мазмундор туркум кўрсатувлари ғоятда эътиборга лойиқ эди. Айниқса, унинг ташаббуси билан 1970 йилларда хайрли ишга қўл урилиб, «Мархабо, талантлар» танловлари мунтазам ўтказиб борилди. Рўйирут айтиш керак-

ки, бу аjoyиб тadbир қанчадан-қанча истеъдодли ёш хонандаларнинг қанот ёзиб, ўзбек миллий санъати осмонида эркин парвоз қилишларига йўл очиб берди.

Анваржон ғоятда дилкаш дўст эди. Тақдир тақозоси билан уйимиз-уйимизга рўпара эди. Биз деярли ҳар кўни учрашиб сирлашиб турардик. Бир кўни рўй берган воқеа ҳеч қачон асимдан чиқмайди: эрта баҳор — март ойи эди. Суҳбатимиз фасллар келинчаги кўкларнинг оламга сеп ёйиб, борлиққа аста-секин фунсуқорлик бағишлаётгани хусусида борар эди. Биз унинг мусиқа экнимизга келиб қўнида, ердан ўз ризқ-насибасини териб ея бошлади. Анваржоннинг шу топда унга қўзи тушди: «Қаранг, дўстим, паррандалар ичиди энг беозор мусиқа хўп аjoyиб қўшди! Назаримда, шу жонзот ҳам бекорга яратилмаган». Суҳбатдошим бир лаҳза жим қолди-да, «Хозир илҳом келиб қолди. Мени маъзур тутасиз», деди-да, уйга кириб кетди. Кейин билсам, Анваржон ўша захотийёк ижодга берилиб, «Мусиқа» номи аjoyиб шеърини ёзган экан.

Анвар Исроилов болалигидан кўп китоб ўқиганлиги боисданми давраларда сўз мулкани сочиб файз бағишлар эди. Биз унинг ғоятда яқин бўлган хонандоларда ўтадиган никоҳ кечаларини баъзан биргаликда олиб борардик.

Анваржон ҳаётининг сўнгги ўн йили ичиди оғир бегоб бўлиб қолди. Лекин, шунга қарамай, матонат билан ўз ижодий фаолиятини давом эттирди: радио ва телевидениега қатор эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаб берди.



Энг муҳими, шеър ёзишдан тўхтамай, тўпламлар тайёрлаб нашр эттирди.

Анваржоннинг садокатли дўстлари кўп эди. Ижодий фаолиятдан ташқари бўш вақтлари дўстлар даврасида бўлиб гурун-глашиш унга куч-қувват бағишларди.

Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий улкан ижодий фаолиятида имон-этиқодни, комилликни тарғиб этиб келгани учун ҳам оташин шоир, моҳир журналист Анвар Исроилов бу улуг зотга бир умр чуқур эҳтироси билан ёндашди, унинг бебаҳо асарларини мунтазам ўқиб-ўрганиб, бой маънавий озиқ олди.

Анвар Исроилов ҳикматлар манбаи — ҳадис илмидан ҳам хабардор бўлган ҳамда унинг сарчашмаларидан ёру дўстларини баҳраманд қила олган илғор эи-ғли эди.

Анвар Исроилов ярим асрдан сал ортиқ умр кўрди. Ҳозир у орамизда жисман бўлмасада, оташ қалбидан таралиб чиққан жўшқин овози: ноёб шеърый асарлари бугунги кунимизда ва келажакда баралла янграб, ўз файзу тароватини, бой маънавий таъсири-ни ҳамisha йўқотмайди.

**Абдуманноб ТОҶИБЕВ,**  
педагогика фанлари номзоди,  
доцент, халқ таълими аълочиси.

**ВАТАН**

*Ватансан, бағрингда*

*боболар хоки —  
Кўзларга сурттулик азиздир шунча.  
Қонда жавлон урар тириклик токи,  
Она-Ватан деган буюк тушунча.*

*Онасан, қалбимни меҳрингга тўлдир,  
Содиқ фарзандингга шудир июнат.  
О, муносиб куйчинг бўлмоқ мушкулдир,  
Сени куйламаслик эса, жиноят.*

**БИЗ — ДУНЁ  
ОДАМЛАРИ**

*Энг баланд дарахтларни суйиб сайрайди қушлар,  
Яшил коинотим деб ватан айлайди қушлар,  
Билмам қай бир лисонда ёниб сайрайди қушлар,  
Шу инсоний тилимиз хилқатдай қадим, қари,  
Дайди қушлар эмасмиз, биз — дунё одамлари!*

*Кўз ва қалб ато бўлган ул кўхна замонлардан  
Нягоҳ узмади инсон юлдузли осмонлардан,  
Жон ичра жавлон урган севиғи деган қонлардан  
Риё ғубори кетсин, хиёнат тушсин нари,  
Кўқда юлдузлар эмас биз — дунё одамлари.*

*Қайдаки кўнгил қуши бирор кўналгага зор,  
Кўксимиз аро бизнинг мушфиқ бир сайёра бор,  
Магар қалб сайёрасин армонлари бешумор,  
Ундан гурс-гурс ўтади гоҳ жафо қадамлари,  
Жафо тутқуни эмас биз — дунё одамлари.*

*Эзгуликка даъват бор Донолар номасида,  
Оталарнинг ўқ тешган аскарый жомасида,  
Навоийдан ўқиган ҳофиз таронасида,  
Рақам қилинг тарихнинг эй одил ҳакамлари,  
Жангтоҳдан чиқмадик ҳеч биз — дунё одамлари.*

*Мунис Ўзбекистоним, мудом Сизни ўйлайман,  
Оқ толага қадалган қора кўзни ўйлайман,  
Сиздан сўз очдимми бас, демак, ўзни ўйлайман,  
Беками кўст уй тутган парирў санамлари,  
Меҳриғиё бандаси биз — дунё одамлари.*

*Бош узра ҳақнинг туғи Бу Ватан бор, бу Ватан,  
Қалбнинг аланга-чўғи Бу Ватан бор, бу Ватан,  
Хурриятнинг қўшиғи Бу Ватан бор, бу Ватан,  
Абасдир ёвузликнинг Гафлатлари, гамлари,  
Биз — Ватан фарзандлари, биз — дунё одамлари!  
Яктодир Абу Али, иккинчи Синомиз йўқ,  
Уйимиз битта бизнинг, иккинчи Синомиз йўқ,  
Курра ягона ахир, иккинчи дунёимиз йўқ,  
Эрта ётмасин десак йўқликнинг тубсиз жари,  
Сергак бўлайлик букун биз — дунё одамлари!*

**ТОНГИ ТИЛАК**

*Булбул кўнган бутуқларга болта урмангиз,  
Йўлга чиққан яхшиларни орта бурмангиз,*

*Қуёш холли эрталардан юз ўғирмангиз,  
Бунёдимиз шу хилқатда, барбодимиз ҳам,  
Шунда топган шодлигимиз ва кўздаги нам.*

*Дилда ёнган эзгу сўзни айтмоқ орзудир,  
Токи бу сўз аъмолларга соф бир кўзгудир,  
Шоирларга ният бўлган шеър балки шудир,  
Бу ёнишлар, бу ишлардан қолмай бетараф,  
Достонларда эзгуликка ўқийлик шараф.*

*Умр бир бор бериладир, бир мартаба, бас,  
Бир лаҳзага тарк этмаган кураш ва ҳавас,  
Дунёимиз ҳам битта ахир, иккита эмас,  
Ғулув тўла бу жабҳада жонлар фидойи,  
Маънолари йилларга тенг онлар фидойи.*

*Омонлиги муқаддасдир шу Еримизнинг,  
У — тинч кўймас хаёлидир шууризмизнинг,  
Эрталарга умид тутган ўғлон ва қизинг  
Пок қўшиғи мадҳияга айлансин тайин,  
Бошлар узра камалақлар порласин майин.*

*Тонгда ногоҳ кўшиқ деган садо бўлсин, ҳей,  
Ёмонлар бир ширин сўзга гадо бўлсин, ҳей,  
Шу бугунги норасталар бобо бўлсин, ҳей,  
Бир тонготар тилағига чекаман имзо:  
Сени қуёш қақиради — кўз очган, Дунё!  
Анвар ИСРОИЛОВ*

**Шифобахш  
қисмликлар**

**ХИНА**

... Хина гули асаб оғриқларида ишлатилади, фалаж ҳам тортиш касалликларига қўйиладиган малхмалар таркибига кирди. Ёғи чарчаганликни таркатади, асабларни юмшатади ва суюқ синганга фойда бўлади.

... Бош оғриғида сирка билан манглайга суртилади. Шунингдек, оғиз яраларида (ва чақаланишида) ҳам фойда қилади.

**АРПАБОДИЁН**

... Арпабодиён айниқса унинг елими, кўзни ўткир қилади ҳамда кўзга сув тушиши (яъни катаракта)нинг бошланғич олдиди ва энди бошланган вақтда фойда қилади.

...Агар уни совуқ сув билан ичилса, кўнгил айниш ва меъданинг алангалишига фойда қилади, аммо секин хазм бўлади ва озиклиги ёмон.

...Арпабодиён сийдик ва хайз қонини юриштиради, ёввойиси тошни майдалайди, буйрак ва қовуққа фойда қилади.

...Уругини илдизи билан қўшиб ейилса, ични қотиради.

...У чўзма иситмаларга фойдали, уни совуқ сув билан ичирилганда иситма вақтидаги кўнгил айниш ва иситмадан келиб чиққан меъда алангалишига фойда қилади.

**БЎЙИМАДО-  
РОН**

...Енгил қайнатилгани буюн тикилмасига ва тумовга фойда қилади.

...Куюк ё суюқ ҳолда бошга қўйиб боғланса, ё қўйилса, совуқдан бўлган бош оғриғига фойда қилади.

...Буйракдаги тошни майдалайди. Қайнатмасига ўтирилса, хайз қонини юриштиради. Бачадондаги яраларга фойда қилади.

**БАРГИЗУБ**

...Икки хил: катта ва кичик бўлади. Каттасининг барглари йирикроқ, кичигининг барглари майдароқ бўлади. Энг фойдали хили каттасидир. Қон кетишини тўхтади, қуритилган ҳолда эса ачиштириш хусусиятини йўқотади. Шу сабабли эски ва янги яраларни биришига фойда қилади ва бу жиҳатдан ундан яхши дори йўқ.

...Иссик ишлар ва оловдан куйган жойларга, учуққа, эшакемга, қулоқ ости ишларига фойда қилади.

...Баргларининг ширасини қулоқ оғриғига қарши томизилса оғриқни босади. Илдизини чаналса ёки қайнатмаси билан оғиз чайқалса, тиш оғригини тўхтади. Баргларининг суви, оғиз чақаланишини даволайди.

...Уруғи қон туфлашга фойда қилади. Лавлаги ўрнига баргизуб солинган ясиқ оши астмага фойда қилади.

...Ичаклардаги яраларга ва сафроли ичкетишларга фойда қилади. Бунинг учун баргизубнинг уругини ичирилади.

*Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари*

**МАШГУЛОТЛАР МАРОҚЛИ ЎТДИ**

Ўзбекистон—Япония марказида Япония маданияти кунлари доирасида Кунчиқар юртининг оригами — қоғоздан турли буюм ва жониворлар ясаш санъатига бағишланган машгулотлар ўтказилди. Мазкур марказ мутахассиси Шиноо Фукуда олиб борган очиқ дарсларда пойтахтимизнинг умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

Айтиш жоизки, Кунчиқар юртва оригами санъати кўп асрлик тарихга эга. Рангли қоғозлардан турли шакллар, жониворлар, айниқса қўшлар ясаш халқ ўйинлари сифатида жуда оммалашган. У кишидан

зийраклик, сабр ва кунт талаб этади.

Оригами Япония мактаб таълимида ўқув дастурига ҳам киритилган. Қоғоздан турли шакллар ясаш киши руҳини энгиллаштиради, унга хотир-

жамлик бахш этади. Шу боис ундан шифохоналарда айрим хасталикларни даволашда ҳам фойдаландилар.

Ўзбекистон Давлат болалар кутубхонасида ҳам шундай машгулотлар бўлиб ўтди.

**“ТЕМУР ИСЛОМОВНИНГ ИККИ ВАТАНИ”**

Тбилисида нашр этиладиган “Свободная Грузия” газетаси Грузия ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона ришталарни ривожлантириш бўйича “Дўстлик” жамиятининг президенти билан уюштирилган интервьюни шундай деб номлади.

“Дўстлик” жамияти Грузия кенг жамоатчилигига ўтган асрнинг 80-йилларидан танила бошланди. 90-йилларнинг ўрталарида икки халқ ўртасидаги алоқалар янги халқ мазмун касб эта бошлагач, мазкур жамият фаоллари ҳам ушбу жараёнга ўзгача бир руҳда киришиб кетишди.

Жамият етакчиси Темур Исломов томирларида ҳар иккала халқнинг ҳам қони жўш уради. Гап шундаки, ўтган асрнинг 20-йилларида таникли грузин мумтоз адаби Давид Клдиашвилининг қизи ва ўзбек йигити Акбар Исломов ўртасида муҳаббат пайдо бўлиб, янги оила дунёга келади. Уларнинг фарзанди Темур, асосан, Тбилисида воғна етган бўлсада, ўзбек замини билан ришталарни узамди ҳамда узок йиллар давомида Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшиб келаяпти. Шунинг учун ҳам уни “икки халқ ўртасидаги дўстлик элчиси”

деб аташади.

— Грузин миллатига хос багрикенглик фақат кўпмиллатли Грузияда истикомат қилаётган халқлар билан чегараланиб қолмайди, — дейди Темур Исломов. — Мен ҳам ўзбеклар, ҳам грузинлар номидан давлат гапига оламан. Зеро, бутун умрим давомида икки халқ ўртасидаги самимий муносабатларни ҳис қилиб келаяман.

Т.Исломов бугунги Ўзбекистон ҳақида фикр билдирар экан, уни барқарор ривожланаётган, ташқи қарзлари йўқ давлат сифатида таърифлайди. Бунинг асосий сабабини у Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов хизматларида деб билади, мамлакатимиз раҳбарини “мамлакат тараққийоти таъминлаган, йирик ижтимоий муаммоларга ечим топан, фақуллода билим ва бой бошқарув тажрибасига эга шахс” сифатида эътироф этади.

“Жаҳон” АА

*Мағбирлар*

**ТИНЧЛИККА  
ДАЪВАТ**

Юрт тинчлиги — бебаҳо бойлик деб бежиз айтишмайди. Ёшларимизнинг Юрт тинчлиги, барқарорлигини таъминлаш ҳақидаги тассавурларини кенгайтириш масалаларига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Келажак ворислари бўлиши ёшлар онгига миллий истиклол ғояси, мафкура каби тушунчаларни сингдириш йўлида мазкур тадбирларнинг аҳамияти каттадир.

Хусусан, тарихи узок ўтмишга эга Ўзбекистоннинг тинчлик учун курашган қаҳрамонларини, улуғ зотларини эслайлик. Тинчлик

тарафдори Хожа Аҳрор Валий шулар сирасидандир.

Кунги кеча Тошкент Ислам университетида ўтказилган «Хожа Аҳрор Валий — тинчлик даъватчиси» деб номланган тадбир Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан ташкил этилди. Тадбирда шаҳар бош имом хатиби Анвар Турсунов, Ўзбекистон Халқ шоири Нормурод Назруллаев сўзга чиқдилар. Улар тинчлигимизга ҳавф солаётган диний-экстремистик кучларга қарши курашиш масалалари хусусида фикр юритишди. Бутун жаҳон муаммоси ҳисобланаётган терроризм, экстремизмга нисбатан юртимизда қўрилаётган чора-тадбирлар хусусида атрофлича тўхталиб ўтишди.

Йигилишда университет талабалари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Юлдуз УСМОН

**САРДОРЛАР УЧРАШУВИ**

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги “Семурғ” болалар дам олиш масканига “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Камалак” болалар ташкилоти сардорларининг тўртинчи ўқув-семинари ўтказилди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий мақсади ёшларни тарбиялаш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашишдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун эса аввало “Камолот”нинг ўзида бирлик, унинг сардорлари ва етакчилари ўртасида аҳиллик за-

рур. Уч кун давом этган ўқув семинарида яқинда сайланган мактаб сардорлари иштирок этди. Семинарда сардорлар “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг дастури ва “Камалак” болалар ташкилотининг низоми билан танишишди.

Харакатнинг Тошкент шаҳар кенгаши ходимлари, туман болалар ташкилоти

раислари ёш сардорларни болалар билан ишлашга ва турли тадбирларни ташкиллаштиришга ўргатишди. Эндиликда сардорлар зиммасига алоҳида масъулият оқланмоқда. Улар ўз тенгдошлари ўртасида етакчи бўлиши, бўш вақтларида унумли фойдаланиш учун турли тадбирлар ва спорт мусобақалари ташкил этишлари лозим. Шунингдек, ўқув семинарида мактабларнинг шаҳар сардорлари кенгаши таркиби ҳам сайлаб олинди.

Инобат ЭГАМКУЛОВА,  
“Туркистон-пресс”

менинг туғилган кунимда», деб жавоб берардилар.

Онамиз вафот этган йили эди. Маросимларни ўтказса турли ака-укалар бирдан торти-

**СИЗ ТУҒИЛГАН КУН**  
Катра

шиб қолдик. Чунки шу кун билан бизда онажонимиз туғилган кунни аниқ билиш истаги туғилиб қолганди. Эски ҳужжатларни тит-пит қилиб юбордик. Шунда кимдир ойимнинг йиллар давомида чириб-сарғайиб кетган паспортларини кўтариб чиқди. Олтин топгандек ҳаммамиз паспортга гур ёпирилдик. Ойижонимиз бундан 100 йил муқаддам 14 октябрь кунини дунёга келганларини ана шунда

билдик. Ҳаммамиз сув қуйгандек жимиб қолдик. Онамиз шунча йил умр қурибдилару, лекин бирон йил тўпналишиб уллар туғилган кунни нишонла-

мабмиз. Мана шуниси бизга алам қиларди. Мана шу ўй бизга тинчлик бермасди энди. Гўё бунга кимдир айбдордек бир-биримизга шумшайиб қарардик.

Тавба, ҳар йили ўзимизни, хотинимизни, болаларни, катталаримиз эса ҳатто кеча оламга келган набираларини туғилган кунларини нишонлашни унутмабмиз, лекин бизга ҳаёт берган онажонимизнинг туғилган

кунларини нишонлаш ҳеч биримизнинг ҳаёлимизга келмабди.

Ушандан бери орадан ўн беш йил ўтди. Шу-шу ҳар йили 14 октябрь оқшомида онажонимиз туғилган кунни хотирлаш учун катта ҳовлига йиғиламиз. Ўтмишни эслаймиз. Онамиз ҳикоя қилиб берган ҳаётий воқеа ва ҳодисаларни такрор-такрор тилга оламиз. Эслаб гоҳ қаҳқаҳа ураемиз, гоҳ гагмин бўлиб қоламиз. Онажонимиз гарчи бугун давраимизда бўлмасаларда лекин уларнинг илқ нафасларини шундоққина ҳис этиб турибмиз. Уйимиз тўрига осиклик катта суратдан у киши бизга хамиша майин табассум билан боқиб турадилар. Гўё уларнинг тетик ва бардам қарашларида биз ўғилларига бўлган меҳр яққол сезилиб туради.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

*«Камолот»*

*хабарлари*

**БЕКТЕМИР  
ТУМАНИ**

Бектемир туманида жойлашган барча мактаб «Камолот» ва «Камалак» сардорлари шаҳар мекдесида ўтказилаётган «Семурғ» оромгоҳидаги семинарда иштирок этиш учун жўнаб кетишди.

Туман сардорлари шу оромгоҳда дам олиш билан бирга шаҳар сардорлар кенгашига сайловларда иштирок этиб қайтшади.

Ушбу туманда яна бир тадбир ўтказилиши режалаштирилмоқда. Унда шу туманда истикомат қилаётган кам таъминланган 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун хайвонот боғига саёҳат уюштирилади. Бу тадбир «Меҳр ва мурувват» йили давлат дастурини бажариш йўлида туманда истикомат қилаётган кам таъминланган оила фарзандларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, болаларга меҳр ва қалбига қувонч улаштиш мақсадида ўтказилади.

**ЯККАСАРОЙ  
ТУМАНИ**

Яқинда Бобур номидаги маданият ва иштироҳат боғида «Камолот» ЕИХ Яккасарой туман бўлими Кенгаши томонидан Талабалар кўнига бағишланган тадбир уюштирилди.

Ушбу байрамда шу туманда жойлашган Хореография билим юрти, Санъат институти, Эстрада цирк коллежи, туман қўшимча таълим мажмуаси талабаларни иштирок этидилар. Талабаларни байрам билан шу туман кенгаши раиси ва мактаб «Камолот» ва «Камалак» сардорлари табриқлаб, концерт дастурини намойиш этидилар.

Саида МАМАТИСАКОВА,  
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби ходими.

**Спорт**

**ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ БОШЛАНДИ**

Бугун Испаниянинг Кальве шахрида эркаклар ва аёллар ўртасида жаҳон шахмат олимпиадаси бошланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу нуфузли турнирда энг кучли аёл ва эркак шахматчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Жумладан Тоҳир Воҳидов мураббийлиги остида эркаклар терма жамоамиз таркибидан халқаро гроссмейстер, жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, шунингдек Осиё чемпионлари ва қатор йирик турнирлар ғолиблари Сайдал Иўдошова, Тимур Гареев, Владимир Егин ва Антон Филипповлар ўрин олган.

Аёлларимиз терма жамоаси таркибидан эса Ольга Собирова, Анжела Хегай, Юлдуз ва Ирода Хамроқулловалар олимпиадада донна суришади.

Биз шахматчиларимизга улкан мусобақаларда омад тилаб қоламиз.

**ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ**

Шахримиздаги «Пахтакор» марказий стадионда енгил атлетика бўйича Ўзбекистоннинг очик чемпионати бахсларини қизгин курашларга бой тарзда ўтди.

Шуниси қувонарлики, чемпионатда босқон улоқтириш бўйича аёллар ўртасида республиканинг янги рекорди ўрнатилди. Яъни пойтахт вилояти вакили Ольга Жоголева улоқтирган босқон 56 метр 86 сантиметр узокликкача борди.

Ҳаммаси бўлиб 270 нафар спортчилар ғалаба учун кураш олиб борган очик чемпионатда ҳамшаҳарларимиз ҳам кўпга турларда зафар кучишди. Жумладан, О.Журавлев 10.68 ҳамда 21.66 сония натижаларни кўрсатган ҳолда энг қисқа масофалар — 100 ва 200 метрга югуриш бахсларида ғолиб чиққан бўлса, Ҳ.Сибгатуллина худди шу масофаларга югуриш бўйича аёллар ўртасида ғалаба нашидасини сурди. А.Журавлева узунликка сакраш бўйича 6.40 метр ҳамда уч хатлаб сакраш бахсларида 14 метр натижа кўрсатгани ҳолда Ўзбекистон чемпионлигини кўлга киритди. Уч хатлаб сакраш бўйича эркаклар ўртасида ҳам ҳамшаҳримиз Д.Маштаков 15 метр 58 сантиметр масофани «забт» этгани ҳолда ғолиблар сафини бошқарди.

Умумжамоа ҳисобида 24281 очко жамгаран Тошкент-1 командаси барчадан устун келган бўлса, 20439 очкога эга Тошкент - 2 жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. (Ўз муҳбиримиз)

Фафур Фулом номидаги Нашриёт — Матбаа Ижодий уйи жамоаси шу қорхонанинг собик директори Ботир Раҳмонович Дибёровга волидаи муҳтарамаси

**РОЗИЯ ОНАНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.

**«Тошкент опен — 2004»**



**ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Юртимизда анъанавий тарзда ўтказилган «Тошкент опен — 2004» аёллар халқаро теннис турнири давом этмоқда.

Кеча Испания, Италия, Германия, Россия, Франция каби 30 га яқин мамлакатлардан келган теннисчилар иккинчи даврага чиқиш учун қизгин беллашувларни ўтказишди.

WTA таснифидаги етакчи турнирлардан бири бўлган «Тошкент опен-2004»да биринчи марта иштирок этаётган испаниялик Марта Марреронинг дастлабки ўйини осон кечмади. У биринчи сетда 4/6 ҳисобида белоруссиялик Татьяна Путчекка ютқазган бўлсада, кейинги сетларда рақибини 6/2, 6/4 ҳисобида мағлуб этиб, кейинги босқичга йўланма олди.

Италиялик Антонелла Серра Занетти ҳам Германия шарафини ҳимоя қилаётган



Жулия Счруфни устидан ғалаба қозонди.

Турнирда бешинчи рақам билан сараланган Анка Барна (Германия) россиялик умидли теннисчи Екатерина Бючковани 7/5, 6/1 ҳисобида мағлуб этиди, аммо мутахассисларнинг фикрига қараганда, Бючкова айни пайтда Бутунжаҳон аёллар теннис уюшмаси таснифида 67 ўринни эгаллаб турган Барнани биринчи сетда анча тангитиб қўйди. Буни юқорида келтирилган ўйин натижаларидан ҳам кўриш мумкин.



Профессионал даражадаги рейтингни 71 бўлган Анна-Лена Гринефелд (Германия) ҳамюрти Матис Антониядан 6/4, 6/4 ҳисобида устун келди. Дарвоқе, қўпчилик бу икки германиялик ўйинчининг ўзаро бел-

лашувини турнир давомидаги энг кескин баҳс деб эътироф этишди.

Бугун «Тошкент теннис маркази»да Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси Ирода Тулаганова италиялик Антонелло Серра Занетти билан қорпта чиқади. Таъкидлаб ўтамиз, Серра Занеттининг бугунги кундаги рейтинг рақами 102.

Олдинда эса бизни бир-бирдан қизиқарли учрашувлар кутиб турибди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, эртага «Тошкент теннис маркази»нинг қум қорларидан анъанавий болалар мини-турнири, шанба кuni эса — ҳаваскор аёллар ўртасида ВИП-мусобақалари бўлиб ўтади.

Хидирали ПАНЖИЕВ



**Болалар спорти**

**ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШИБ ЧИҚАДИ**

Шахримиздаги Республика Бадий коллежиди ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спортга ошно тарзда вояга етказиш ишларига катта аҳамият қаратилади. Бу борда ушбу соҳанинг тажрибали ходимлари — жисмоний тарбия ўқитувчилари Вячеслав Губин ва Алишер Рўзиматовларнинг ҳиссаси катта.

Коллежда 650 нафар ўқувчилар ўзлари танлаган касб сирларини ўрганса, улардан юздан ортиги спорт билан фаол шуғулланмоқда. Ўқув масканида волейбол, баскетбол, стол тенниси, мини-футбол, атлетизм, шахмат бўйича тўғарақлар очилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида 16 нафардан ўқувчи спорт сирларини ўрганмоқда.

Юқорида тилга олинган спорт турлари бўйича Ўзбекистон Бадий академияси томонидан турли мусобақалар бадий ўқув мусассасалари ўртасида ўтказилмоқда. Сетябрь-октябрь ойларида эса коллежда секциялар бўйича му-

собақалар бўлиб ўтди.

Иш яхши ташкил этилса, атрофда жонкуяр мураббийлар бўлса, натижалар ҳам ўзини куттирмас экан. Яъни, коллеждан ҳам ҳар хил спорт турлари бўйича ўз чемпионлари етишиб чиқмоқда. Бокс бўйича шаҳар чемпиони Руҳулло Убайдуллаев, стол тенниси бўйича шаҳар биринчилиги ғолиби Ирина Кондратьевалар шулар жумласидандир.

(Ўз муҳбиримиз)

**СУРАТЛАРДА:** коллеж ўқувчилари спортга мана шундай ошнолар.

Алексей Попов олган суратлар.

**«СУВ ШОУСИ» ПАРИЛАРИ**

Синхрон сузиш хотин-қизлар спортининг чиройли, шу билан бир қаторда сермашаққат турларидан бири ҳисобланади. Бу спорт билан шуғулланишни мақсад қилган спортчи аввало нафақат сузиш бўйича, балки гимнастика, хореография ва умумжисмоний тайёргарликларга эга бўлмоғи зарур.

Кези келганда айтиш мумкинки, бу мафтункор спорт турининг мавқеини кўтариш ва ривожлантириш ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътиборида турибди. Бунга вилоятларда синхрон сузиш федерацияларининг ташкил этилаётгани, халқаро андозаларга тўла-тўқис жавоб берадиган сув ҳавзаларининг бунёд қилинаётганлигини мисол сифатида кўрсатишимиз мумкин.

Синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси қизлари 1994 йили Япониянинг Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида, 1998 йилги Таиланднинг Бангкок, 2002 йилги Жанубий Кореянинг Пусан шаҳридаги Осиё ўйинларида фаол иштирок этиб, юқори натижаларга эришгани мамлакатимизда бу спорт турининг кенг миқёсда оммалашиб бораётганидан дарак беради.

Аввал хабар қилганимиздек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети спорт мажмуида ана шу тур бўйича «Сув шоуси» шиори остида таништириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Синхрон сузиш федерациясининг шаҳар бўлими ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани ташаббуси билан ташкил қилинди.

Шоу — турнирда халқаро мусобақаларда бир қатор совринли ўринларни кўлга киритган Д.Можаева, Н.Конева сингари умидли спортчилар билан бир қаторда В.Попова, А.Мохорова, А.Шакирова ва Д.Гарифуллина каби иқтидорли синхрон сузиш усталари ҳам ўзларининг сало, дуэт ва гуруҳ чиқишлари билан қатнашди. Шу билан бир қаторда улар Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган 50 нафар синхрон сузишга энди қадам қўётган қизларга бошланғич машқ турлари, яъни мазкур спорт турининг сир-асрорларидан кўринишларни намойиш этишди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова иштирок этди.

Хидирали ПАНЖИЕВ



**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар — 133-28-95, 132-41-39; факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида боёлади. 2812 нусхада босилди. Қороз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот босқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.